

Нефт маҳсулотларини етказиб бериш ҳақидаги

27 -сонли ШАРТНОМА

“19” – январь 2022 йил

Құнғирот тумани

Кейинги үринларда “Етказиб берувчи” деб аталувчи “Тахиатош нефт базаси” масъулияти чекланган жамияти Құнғирот филиали номидан ишончнома асосида фаолият юритувчи рахбар Е.Салиев бир томондан ва «Истеъмолчи» деб аталувчи Құнғирот тумани Ободонлаштириш бошқармаси номидан устав асосида иш юритувчи рахбар А.Тажимуратов иккинчи томондан, ушбу шартномани қуидагилар ҳақида түздилар.

1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1. «Етказиб берувчи» «Истеъмолчи»нинг буюртмаси асосида тегишли русум ва миқдордаги нефт маҳсулотларини етказиб бериш, «Истеъмолчи» эса етказиб берилген нефт маҳсулотларини қабул қилип олиш ва ҳақини тұлаш мажбуриятларини ушбу шартномада келишилген шартларда бажаришни үз зиммаларига оладилар.

1.2. Томонлар үзаро келишилген ҳолда маълум давр (ойлик, чораклик ёки йиллик давр) учун етказиб берилиши күзде тутилған нефт маҳсулотлари турлари, ассортиментлари ва миқдорларини ушбу шартноманинг қуидаги спецификация орқали белгилаб оладилар.

Нефт маҳсулотининг номи, русуми	Дав. СТТШ	Үлчов бирлиги	Нархи	Йиллик миқдор	Суммаси	Шу жумладан чораклар бўйича			
						I	II	III	IV
Дизель ёқилғиси	ЭКО	тонна	11 546 574	9,5	109 692 453	1 0 9 6 9 2 4 5 3			
Жами:				9,5	109 692 453	1 0 9 6 9 2 4 5 3			

Спецификация маълумотларидан томонлар үз шартномавий мажбуриятларини бажаришда, жумладан «Истеъмолчи» буюртмаларни шакллантиришда, «Етказиб берувчи» эса нефт маҳсулотларининг зарур заҳирасини олдиндан яратишни режалаштиришда фойдаланиладилар.

2. НЕФТ МАҲСУЛОТЛАРИ НАРХЛАРИ ВА ҲИСОБ – КИТОБ ТАРТИБИ

2.1. Шартноманинг умумий суммаси ҚҚС ҳисобланган ҳолда **109 692 453,00** (Бир юз тўқиз миллион олти юз тўқсон икки минг тўрт юз эллик уч) сўм 00 тийинни ташкил қиласди. ҚҚС билан

2.2. Етказиб бериладиган нефт маҳсулотларининг нархлари «Етказиб берувчи» томонидан Бюджет ташкилотлари, пахта хомашёси ва ғалла ишлаб чиқарувчи фермер хужаликлари ва пахта-тўқимачилик кластерлари, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ, “Тошшахартрансхизмат” АЖ, майший чиқиндиларни тұплаш ва олиб чиқиш бўйича давлат корхоналарига дизель ёқилғиси (шу жумладан ЭКО маркали дизель ёқилғиси) үтган ҳафтадаги биржга савдолари натижаларига кўра шаклланған ўртача биржга нархларида шаклланади ва нархларга боғлиқ шартноманинг қиймати ва ҳажми ўзгариши мумкин.

Дизель ёқилғисидан ташқари (шу жумладан ЭКО маркали дизель ёқилғиси) барча нефт маҳсулотлари, нефтни қайта ишлаш заводларидан биржга савдолари орқали сотиб олиш ва ташиб келтириш харажатлари ҳамда Кўриб чиқган юрист: ANNARAZOV RUSLAN YULDASHEVICH. Ҳужжат рақами: QI7838787034

сотиш бўйича нефт база устамасидан шаклланади. «Етказиб берувчи» нефтни қайта ишлаш заводларидан биржада савдолари орқали сотиб олинган нефт маҳсулотларининг нархи белгилаган тартибда ўзгарган тақдирда янги нархлар кўлланилади ва ушбу янги нархларга боғлик шартноманинг қиймати ва ҳажми ўзгариши мумкин.

2.3. «Етказиб берувчи» «Истеъмолчи»нинг буюртмаси олинган заҳоти етказиб берилиши сўралган нефт маҳсулотларининг ўша кундаги жорий нархларини унга маълум қиласди. «Истеъмолчи» мазкур нархлар асосида буюртмадаги нефт маҳсулотлари партиясининг тегишли ҳажми учун 100 фоиз олдиндан тўловларни оширади.

2.4. Етказиб бериладиган нефт маҳсулотлари учун тўловлар «Етказиб берувчи»нинг банкдаги ҳисоб рақамига пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

3. ЕТКАЗИБ БЕРИШ ТАРТИБИ ВА МУДДАТЛАРИ

3.1. Нефт маҳсулотлари «Етказиб берувчи»нинг омборидан ёки унга қарашли филиаллардан «Истеъмолчи»нинг буюртмаси ва унда етказилиши сўралган нефт маҳсулотлари учун тўловлар келишилган муддатда олдиндан 100% амалга оширганини тасдиқловчи тўлов ҳужжати нусхаси тақдим этилганда етказиб берилади.

3.2. «Истеъмолчи»га «Етказиб берувчи»нинг маҳсус автотранспортида дизель ёқилғисини (шу жумладан ЭКО маркали дизел ёқилғиси) белгиланган тартибда алоҳида (нефть маҳсулотларини тошиш хизмати) шартнома асосида, дизель ёқилғисидан ташқари барча нефть маҳсулотларини «Истеъмолчи»га «Етказиб берувчи»нинг маҳсус автотранспортида белгиланган тартибда етказиб берилади. Нефть маҳсулотларини шунингдек «Истеъмолчи» томонидан барча ёнгин ва техника хавфсизлик талабларига риоя килиш бўйича масъулиятни ўз зиммасига олган ҳолда ўзига тегишли ёки ижарага олинган маҳсус транспорт воситасида олиб кетилиши мумкин ва бундай ҳолатда ташиш ҳаражатлари қайта кўриб чиқилмайди.

3.3. Нефт маҳсулотлари омборига нефт маҳсулотиниташувчи автомобил цистерналари 1510-84 Давлат стандарти талабига жавоб бериши шарт. Акс ҳолда автотранспорт воситалари омбор худудига киритилмайди ва уларга нефт маҳсулотларининг куйилишига рухсат этилмайди. Бундай автотранспорт воситаларининг бўш кетиши учун «Етказиб берувчи» жавобгар бўлмайди.

3.4. Нефт маҳсулотлари қўйилган автоцистерналар (Истеъмолчи»нинг автотранспортида олиб кетиш ҳолатлари бундан мустасно) «Истеъмолчи»нинг талабига биноан «Етказиб берувчи»нинг ёки унинг бўлинмалари томонидан амалдаги меъёрий техник ҳужжатларга (2417-85 давлат стандартига) мос тарзда тамғаланади.

3.5. Нефт маҳсулотлари ушбу шартноманинг 3.1. бандида келтирилган ҳужжатлар тақдим этилган кундан бошлаб 1 кун ичida етказиб берилади. Нефтни қайта ишлаш заводларидан етказиб берилмаслиги ёки темир ўйл ташкилотларининг айби билан юзага келган нефт маҳсулотлари таъминотидаги узилиш ҳолатларида «Етказиб берувчи» томонидан «Истеъмолчи»ни бу ҳакда ҳабардор қилинган ҳолда томонлар етказиб беришнинг бошка муддатини ўзаро келишиб олишлари мумкин.

4. НЕФТЬ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

4.1. Нефт маҳсулотлари микдор бўйича қабул қилиш “Ишлаб чиқариш техника ва ҳалқ истеъмоли молларини микдор жихатдан қабул қилиб олиш тартиби тўғрисида”ги П-6-сонли ва сифати бўйича эса “Ишлаб чиқариш техника ва ҳалқ истеъмоли молларини сифат жихатдан қабул қилиб олиш тартиби тўғрисида”ги П-7-сонли ѹуриқномалар хамда бошка меъёрий ҳужжатлар талаблари асосида амалга оширилади.

4.2. «Истеъмолчи»нинг вакили нефт маҳсулотларини олаётган вақтда маҳсулотнинг сифати ва микдорини жойида текшириб олади.

4.3. Нефт маҳсулотларини етказиб берганлик тўғрисидаги тегишли ҳужжатлар «Етказиб берувчи»нинг омборида ёки унга қарашли филиалларда, айrim ҳолларда «Истеъмолчи»нинг худудида расмийлаштирилади ва уларни «Истеъмолчи» томонидан бунга ваколат берилган ишончнома асосида вакили имзолайди ва нефт маҳсулотларини қабул қилиб олади. Эгалик хукуқи, тасодифий нобуд бўлиши, нефт маҳсулотларига зиён етиш хавфи «Етказиб берувчи» омбори ёки АЁҚШ худудидан чиқсан вақтдан бошлаб «Истеъмолчи»га ўтади.

5. НЕФТ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ СИФАТИ

5.1. «Етказиб берувчи» «Истеъмолчи» га сифати Давлат стандартларига ва техник шартларга жавоб берадиган нефт маҳсулотларини етказиб беришни кафолатлайди. Етказиб бериладиган нефт маҳсулотларининг сифати 1510 ва 2517-сон Давлат стандартлари ва техник шартларга мос бўлиши ҳамда бу нефт маҳсулотларини автотранспорт воситаларига юклаш ва ташиб етказилиши кузатилишига оид расмийлаштирилган ҳужжатларда қайд этилиши лозим.

5.2. Нефт маҳсулотларини олишда «Истеъмолчи» уларнинг сифатини, шунингдек сифат паспортини талаб қилиш хукуқига эга.

6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Томонлар ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганликлари ёки лозим даражада бажармаганликлари учун Ўзбекистон Республикаси фуқаролик Кодексига ва «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида»ги қонунига биноан жавобгар бўладилар.

6.2. «Етказиб берувчи» нефт маҳсулотларини ўз вақтида етказиб бермаганлик учун ҳар бир кечиктирилган кун учун вақтида етказилмаган нефт маҳсулотлари суммасининг 0,1 фоизи, лекин 10 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пена тўлайди.

6.3. «Етказиб берувчи» нефт маҳсулотлари сифатини ўз ҳисобидан тиклаб бериш билан бир қаторда «Истеъмолчи»га етказиб берилган сифати лозим даражада бўлмаган нефт маҳсулоти қийматининг 5 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

6.4. «Истеъмолчи» белгиланган муддатда олинмаган ва етказиб берилган нефть маҳсулотларини олишдан сабабсиз бош тортганлиги учун «Етказиб берувчи»га олинмаган маҳсулот умумий қийматининг 5 фоизи миқдорида жарима тўлайди ва таъминотчи олинмаган маҳсулот учун маҳсулотнинг тўлик қийматини ундириш хукуқига эга.

6.5. «Истеъмолчи» ўзининг худудига олиб келинган нефть маҳсулотларининг қабул қилишда амалдаги ёнғин ва техник хавфсизлиги талаб ва мөъёлари тўлиқ амал қилинишига тўлиқ жавобгардир.

6.6. «Истеъмолчи» етказиб берилган нефт маҳсулотларини сақлашнинг техникавий шарт-шароитлари ва хавфсизлиги учун амалдаги конунларда назарда тутилган тартибида жавоб беради.

7. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАР

7.1. Томонлардан бирортаси ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган ва бунга форс-мажор ҳолатлар, яъни енгиб бўлмайдиган куч (фавқулотда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (зилзила, қурғоқчилик, сув тошқини, ёнғин, сел, дўл, жала ва бошқа табиий оғатлар)) сабаб бўлганлигини исботласа, жавобгар бўлмайди.

8. БОШҚА ШАРТЛАР

8.1. Ушбу шартноманинг бажарилишида юзага келадиган ҳар қандай низо ва келишмовчиликлар томонлар ўртасида ўзаро музокара йўли билан ҳал этилади. Келишувга эришилмаган тақдирда эса низолар белгиланган тартибида иктисадий судлар орқали ҳал этилади.

8.2. Шартномага киритиладиган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда бўлиб, ҳар иккала томон имзолагандан кейингина ҳақиқий хисобланади.

8.3. Ушбу шартнома 2 нусхада тузилди ва тенг хукукий кучга эга.

8.4. Шартнома томонлар ўртасида имзоланган ва агар «Истеъмолчи» бюджет ташкилоти бўлса, бунга қўшимча равишда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг худудий ғазнанилигидан рўйхатдан ўтган кундан кучга киради ва 2022 йил 31 декабргача амал қиласи.

8.5.

9. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ

«ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ»

«Тахиатош нефт базаси» МЧЖ Қўнғирот филиали

Манзили: Қўнғирот тумани Промзона


х/р: 2260 4000 4042 6871 2701,

Банк: ЎзСаноаткурилишбанк Тошкент ш.

Яшнобод филиали


ИНН: 204 592 009, МФО: 00432,


тел:

Рахбар: 

Е. Салиев

(физ.ИНН: 516 655 823)

Хисобхона: 

Ички сотиш бўлими: 

«ИСТЕЪМОЛЧИ»

Қўнғирот тумани Ободонлаштириш бошқармаси

Манзил: Қўнғирот тумани Ипак йўли кўчаси р/уй

ИНН: 204618867 ОНОХ: 90290

Тел: (61) 312 39 44 (61) 312 25 41


Банк: Марказий банк Ташкент шахри

МФО: 00014

ИНН: 201 122 919

Х/Р: 23 402 000 300 100 001 010

ШХР: 100022860352157065200110001

 А.Тажимуратов

(физ.ИНН: 499 035 161)



QÓNGIROT TUMANI YURIDIK XIZMAT KÓRSATISH MARKAZINING YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TÓGRISIDAGI HUQUQIY XULOSASI

1.Loyihaning turi: Shartnoma

2.Loyihaning nomi: Neft mahsulotlarini yetkazib berish haqida

Etkazib beruvchi Taxiatush neft bazasi masuliyati cheklangan jamiyati Qóngirot filiali nomidan ishonchnoma asosida faoliyat yurituvchi rahbar Ye.Saliev

Istemolchi deb ataluvchi Qóngirot tumani Obodonlashtirish boshqarmasi nomidan ustav asosida ish yurituvchi rahbari A.Tajimuratov ikkinchi tomondan, ushbu shartnomamni quyidagilar haqida tuzdilar.

«Etkazib beruvchi» «Istemolchi»ning buyurtmasi asosida tegishli rusum va miqdordagi neft mahsulotlarini yetkazib berish, «Istemolchi» esa etkazib berilgan neft mahsulotlarini qabul qilib olish va haqini tólash majburiyatlarini ushbu shartnomada kelishilgan shartlarda bajarishni óz zimmalariga oladilar.

Shartnomaning umumiyligi sumniasi QQS hisoblangan holda 109 692 453,00 (Bir yuz tóqqiz million olti yuz tóqson ikki ming tórt yuz ellik uch) sóm 00 tiyinni tashkil qiladi.

3.Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi malumot: Qóngirot tumani Obadanlashtirish boshqarmasi tomanidan 2022 yil 19 yanvar

Ushbu shartnoma loyihasi “Xójalik yurituvchi subyektlari faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi tógrisida”gi qonuning 10,24-36 moddalari va Özbekiston Respublikasi ”Fuqarolik kodeksi”ning 386-424 moddalari talablariga javob beradi.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni tuzish maqsadga muvofiq

Markaz bosh yuriskonsulti

2022 yil «19» yanvar



R.Annarazov

**QARAQALPAQSTAN
RESPUBLIKASI
QOÑIRAT RAYONI
HAKIMININ
BIYЛИGI**



**QORAQALPOG'ISTON
RESPUBLIKASI
QO'NG'IROT TUMANI
HOKIMINING FARMOYISHI**

2022 йил «17» январь

5-13-185-F/22

Кўнгирот тумани ҳокимлиги

Ózbekstan Respublikası Prezidentiniň 2020-jıl 25-dekabrdegi «2021-jıl ushm Ózbekstan Respublikası mämlekетlik byudjeti haqqında»ǵı 657-sanlı Nızamınıň 8-statyasına muwapiq 2022-jıl ushin Qoñirat rayonı byudjetiniň saqlawlı qori esabınan qarjılardıň jumsalıwi boyinsha Qoñirat rayon häkimi

BIYLIK ETEDI:

1. Ózbekstan Respublikası Prezidenti Sh.M.Mirziyoev basshiligında 2022-jıl 15-yanvar kuni ótkerilgen “Máhállebay islew hám kámbagallıqtı qısqartırıw hám de xalıq bántligin támiyinlew boyinsha 2022-jılda ámelge asırılatugın waziyapalar haqqında”ǵı videoselektor jiynalısmda berilgen tapsırmalardıň orınlarıwin támiyinlew maqsetinde Qoñirat rayonı aymağmdağı ishki kóshe jolların ónlaw ushin rayonlıq abadanlastırıw basqarmasına janlıǵı óniimleri qárejetleri ushin 110,0 mln (bir júz on million) swm 2022-jıl ushm Qoñirat rayonı byudjetiniň saqlawh qori esabınan qarjılardıň ajıratılıwın támiyinlensin.

2.Qoñirat rayonı boyinsha gazzashılıq bölünbesi (F.Djumaniyazov) 2022-jıl ushm Qoñirat rayonı byudjetimiň saqlawlı qori esabman ajıratılǵan qarjılardı tuwrıdan-tuwrı qarjilandırıw ilajları kórlınsin.

3.Rayon häkimligi (S.Qaldıbaev) 2022-jıl ushin Qoñirat rayonı byudjetiniň saqlawlı qori esabınan ajıratılǵan qarjılardı belgilengen tártipte maqsetke muwapiq jumsalıwi támiyinlesin.

4.Qoñirat rayonlıq finans bólimi (E.Jaketov) 2022-jıl ushin Qoñirat rayom byudjetiniň saqlawlı qori esabınan ajıratılǵan qarjılardı belgilengen tártipte maqsetli jumsalıwın qadaǵalaw tapsırılsın.

5.Usı biyliktiň orınlarıwin qadaǵalaw rayon häkiminiň orınbasarı

B.Qurbanovqa júklensin.

Rayon hákimi



K.Xalmuratov